

МАВЗУ: ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНДАН ЖАБР КЎРГАНЛАРГА КЎМАК БЕРИШ

Арипов Тимур Усанович

Жиноят ишлари бўйича

Китоб тумани судининг тергов судьяси

Аннотация: Оилавий зўравонлик бу кенг тарқалган, оғир ва травматик ҳаётий вазиятлар. Бу мураккаб муаммо, унинг оқибатлари алоҳида одамлар учун жуда жиддий бўлиши мумкин, жамият учун ҳам шундай. Мақола оилавий зўравонликка оид ҳуқуқбузарликларни таҳлили ва уларни олдини олишга бағишланган. Оилавий зўравонликдан жабр кўрганларга кўмак бериш чора-тадбирлари кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: Оилавий зўравонлик, оилавий зўравонликни олдини олиш, оилавий зўравонликдан жабр кўрганлар.

Оила институтини сақлаш ва қўллаб-қувватлаш ҳуқуқий давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Афсуски, мамлакатимизда узоқ вақт давомида оиладаги зўравонлик давлат ва жамият манфаатлари доирасидан четда қолиб келди. Бироқ, сўнгги йилларда вазият ўзгара бошлади ва бунда инсон ҳуқуқлари ташкилотлари, жамоат арбоблари ва ҳуқуқшунос олимлар ҳам бу муаммога жиддий эътибор қаратдилар.

Оиладаги зўравонлик ҳолати ҳар қандай ижтимоий мавқега, турли этник ва диний илдизларга, турли таълим даражасига эга бўлган оилада содир бўлиши мумкин.

Оила бу жамиятнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, ижтимоий нормаларнинг асосини яратади ва шахснинг бирламчи ижтимоийлашув жараёнига таъсир қилади. У иқтисодий ва маданий жараёнларда иштирок этади.

Шунинг учун оиланинг фаровонлиги ва барқарорлиги жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорлиги учун зарур шарт ҳисобланади ва ҳар қандай давлатнинг стратегик хавфсизлигини ҳам кафолатлайди. Давлатимизнинг оила сиёсати ҳозирда ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганлиги ҳам тасодиф эмас. Оила ва никоҳ институтлари давлатимизда кадриятлар тизими ва давлат сиёсатида муҳим ўрин тутмоқда.

Оилавий зўравонлик бу оиланинг бир аъзосини бошқасига бўйсундириш ёки зарар етказиш мақсадида қасддан ва тизимли равишда таъсир ўтказишдан иборат ижтимоий ҳодиса. Замонавий жамиятда оилавий-маиший зўравонлик нафақат оиладаги шахсий муаммо, балки ҳуқуқий ва ижтимоий аралашувни талаб қиладиган инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилиши сифатида ҳам қаралади.

Қишлоқ жойларда оиладаги зўравонлик кўлами кўпинча беқиёс даражада катта бўлади, чунки зўравонлик бу ерда оила-эр-хотин муносабатларининг ажралмас қисми сифатида қаралади. Бундан ташқари, қишлоқ жойларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ижтимоий ва тиббий имкониятлар сезиларли даражада чекланган ва ҳуқуқбузарнинг қонуний жазосини олмаслик эҳтимоли шаҳарга қараганда юқори.

Бундан ташқари, мамлакатимизда, афсуски, бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, оиладаги зўравонлик ҳолатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилиш маданияти йўқ. Аёл фақат ҳаётига жиддий хавф туғилгандагина мурожаат қилади ва бу вазиятда ҳам аёлнинг фикрича, таҳдид "ўтиб кетгач," ички ишлар ходимларидан "аризани қайтариш"ни сўрашади.

Оиладаги зўравонлик қурбонлари юридик, шу жумладан адвокат ёрдамга мурожаат қилишга мойил эмаслар. Бу турли сабабларга кўра содир бўлади: улар олган жароҳатларини етарлича жиддий деб ҳисобламайдилар, ҳар қандай ёрдам сўрашдан қўрқадилар ёки уяладилар, турмуш ўртоқлари томонидан зўравонликнинг янги авж олишидан қўрқадилар, ажралиш, муносабатларни тўхтатиш ёки болаларини йўқотишдан қўрқадилар.

Сўровномалар шуни кўрсатмоқдаки, ёши, жинси, маълумот даражаси ва яшаш жойидан қатъий назар, мустақкам оила инсоннинг қадриятлар тизимида биринчи ўринни эгаллайди. Бироқ, бу вазиятда оиладаги зўравонлик долзарб муаммо бўлиб қолмоқда, бу оиланинг пойдевори ва обрўсини заифлаштиради. Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, кўпинча оиладаги зўравонлик қурбонлари аёллар бўлишади.

"Оилавий зўравонлик - бу хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан нисбатан куч ва назоратни қўлга киритиш мақсадида уларнинг хоҳишига қарши содир этилган жисмоний, оғзаки, жинсий, ҳиссий ва иқтисодий зўравонликлардир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган барча аёлларнинг деярли учдан бир қисми (27%) умр йўлдоши томонидан бирон бир жисмоний зўравонликка дуч келган.

Аёлларни оилавий зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ижтимоий сиёсат бир қатор қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасида, Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир. Никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади. Давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратиши кўрсатилган.

Амалдаги қонунчилигимизда оилавий зўравонларга нисбатан жиноий ва маъмурий жавобгарликлар назарда тутилган.

Жиноят кодексининг 126¹-моддасида, оилавий (маиший) зўравонлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 59²-моддасида эса маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Оилавий зўравонлик муаммосини ҳал қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларга турли хил зўравонликни олдини олиш бўйича ёндашувлар, турли

соҳалардаги мутахассислар, давлат ижтимоий хизматлари ҳамда турли йўналишлар ва юрисдикцияларга эга бўлган фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиши лозим. Уларнинг иши тизимли ва ҳамкорликда бўлиши керак.

Аёлларга нисбатан оилавий зўравонликларни олдини олишда ўзаро ҳурмат, ғамхўрлик ва инсон қадрига асосланган комплекс ёндашувлар натижасида оилавий қадриятларни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бу, ўз навбатида, жозибали оилавий турмуш тарзини ва оилавий қадриятларни тарғиб қилиш учун пойдевор яратади.

Жиноят ишлари бўйича Китоб тумани
судининг тергов судьяси Арипов
Тимур Усанович